

4.2 Электр тармоғи хўжалиги объектларидағи аварияларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ёки одамларнинг хавфсизлигини таъминлаш ишлари билан боғлиқ кечикириб бўлмайдиган чора-тадбирларни кўриш зарур бўлганда, Истеъмолчи билан келишмасдан ва уни огоҳлантирмасдан, бироқ уни дархол хабардор килган ҳолда, Энергия узатишда узиб қўйиш ёки чеклашларга рухсат этилади.

4.3 Кўйидаги ҳолларда Корхона Истеъмолчига Энергиянинг етказиб берилишини тўхтатиш ва узиб қўйиш оқибатлари учун жавоб бермаслик хуқуқига эга:

а) Энергия (Кувват) шартномавий миқдордан кўп сарфланганида ёки Энергия (Кувват) истеъмолининг белгиланган режими бузилганда;

б) электр таъминоти шартномасини тузмасдан Энергия истеъмол қилинганда;

в) “Ўзстандарт” агентлиги томонидан қиёслашдан ўтказилган Энергияни ҳисобга олиш приборлари бўлмагандан;

г) Энергия (Кувват) учун шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда тўлов тўланмагандан;

д) Корхона тармоқларига электр қабул қилгичлар ўзбошимчалик билан уланганда ёки Кувват шартномада белгиланган миқдордан ошириб юборилганда;

е) электр қабул қилгичлар ҳисобга олиш приборларидан ташкари уланганда ёки Энергияни ҳисобга олиш схемаси бузилганда, шу жумладан ҳисобга олиш приборларининг ва ўлчаш трансформаторларининг пломбалари бузилганда;

ж) Корхона вакили ҳисобга олиш приборларини кўришга қўйилмагандা.

4.4 Электр манбаидан узиб қўйилиши техноген ва авария оқибатларига олиб келадиган, ўта хавфли ва узлуксиз технологик жараёнли (махсус тартибида Энергия етказиб бериладиган корхоналар рўйхатига киритилганлар) саноат корхоналарида қарздорлик пайдо бўлган тақдирда ҳақ тўланмаганлиги учун Энергия етказиб беришни чеклаш, белгиланган тартибида, электр таъминотининг технологик ва авария бронигача, тўлиқ узиб қўйиш эса – факт суд карорига кўра амалга оширилади.

4.5 Барча юқорида кўрсатиб ўтилган вазиятларда ягона электр энергетика тизими электр тармоқларига қайта улаш ва Энергия етказиб берилишини тиклаш ишлари Истеъмолчи томонидан шу билан боғлиқ харажатлар қопланганидан кейин навбат билан амалга оширилади.

V. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1 Истеъмолчининг хуқуқлари:

а) Корхона томонидан шартномавий мажбуриятларнинг шартномада белгиланган тартибида ва лозим даражада бажарилишини талаб қилиш;

б) Энергияни электр тармоқларининг бўлиниш чегарасига шартномада кўрсатилган миқдорда етказиб беришни талаб қилиш;

в) электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасида Энергиянинг сифат кўрсаткичларини давлат стандартларида белгиланган даражада сақлашни талаб қилиш;

г) Корхонанинг электр тармоғи хўжалиги объектларини режали таъмирланиши туфайли Энергия билан таъминлашдаги мумкин бўлган узилишлар тўғрисида узиб қўйишгача камидан 3 сутка олдин огоҳлантиришни талаб қилиш;

д) Энергиянинг тегишли миқдори учун олдиндан тўлов амалга оширилган тақдирда Энергиянинг шартномавий миқдорини ўзгартиришни талаб қилиш;

е) Олдиндан ҳақ тўланганлигидан қатъий назар Энергиянинг шартномавий хажмини камайтириш томонига ўзгартиришни талаб қилиш.

Бундай талабномалар назарда тутилаётган ўзгартиришлардан (жорий ой тугашидан) 10 кундан кечикмай берилиши лозим.

5.2 Истеъмолчининг мажбуриятлари:

а) шартномавий мажбуриятларини шартномада белгиланган тартибида ва лозим даражада бажариш;

б) келгуси ҳисоб-китоб ойи учун Энергия (Кувват) хажмига шартномада белгиланган муддатда ҳақ тўлаш;